

**«ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ ҚОРҲОНАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019. GM.96.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗАКИРОВ МИРАББАС МИРСААТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ СУВЛАРИДА
ГЕЛИЙНИНГ ЎЗГАРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ – МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ 2020

Фан доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Закиров Миrabбас Мирсаатович Ўзбекистон ер ости сувларида гелийнинг ўзгариш қонуниятлари.....	3
Закиров Миrabбас Мирсаатович Закономерности изменения гелия в подземных водах Узбекистана.....	28
Zakirov Mirabbas Mirsaatovich Patterns of helium changes in groundwater of Uzbekistan.....	52
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	56

**«ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗАКИРОВ МИРАББАС МИРСААТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕР ОСТИ СУВЛАРИДА
ГЕЛИЙНИНГ ЎЗГАРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ГЕОЛОГИЯ – МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3 DSc/GM 19 сонли рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Юсупов Шухрат Сакиджанович
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оponentлар:

Акбаров Хабибулла Асатович
геология-минералогия фанлари доктори,
профессор, академик

Абдуллаев Ботиржон Дадажонович
геология-минералогия фанлари доктори

Шоймуратов Туйчи Халикулович
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

“Ўзбекгидрогеология” Давлат унитар корхонаси

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузурдаги илмий даражалар берувчи **DS** 24/30.12.2019.GM 96.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» *ноябр* соат 16 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92, факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (46 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru

Диссертация автореферати 2020 йил 22 «*сентябрь*» кунини тарқатилди.
(2020 йил 22 «*сентябрь*» рақамли реестр баённомаси).



С.А. Бакиев
С.А. Бакиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
геология-минералогия фанлари доктори

М.Р. Жураев
М.Р. Жураев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
геология-минералогия фанлари
бўлими фалсафа доктори (PhD)

И.Х. Хабибуллаев
И.Х. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида ер қобиғининг чуқур эндоген жараёнлари ва уларнинг намоён бўлишини аниқланган даракчилар асосида башоратлаш ўта муҳим аҳамият касб этади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида, айниқса, сейсмиклик даражаси юқори бўлган давлатларда зилзилаларни ва ҳудуднинг ўзгарган геодинамик ҳолатини башорат қилиш мамлакатнинг барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда геодинамик фаоллик юқори бўлган дунёнинг ривожланган давлатларида ер ости гидросферасининг радиоактив компоненти динамикасини мониторинг қилиш бўйича қуйидаги устивор илмий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ер қобиғининг юқори қатламларида гелий аномалияларининг ҳосил бўлиш хусусиятларини аниқлаш; ер қаъридан гелийнинг эркин шаклда ва ер ости сувлари билан биргаликда конвектив миграциясини аниқлаш; сейсмик фаолликдан олдинги ва сейсмик фаоллик даврида ер ости сувлари газ-кимёвий ва изотоп таркибининг ўзгаришларини моделлаштириш ва таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш; сейсмик фаолликнинг тайёргарлик даврида ер ости сувлари таркибида гелий концентрацияси аномал ўзгаришларининг табиати ва механизмини аниқлаш.

Ҳозирги кунда Республикамизда аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген офатлардан муҳофаза қилишга қаратилган гидрогеологик ва гидрогеосейсмологик даракчиларни назарий асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан ўрта ва қисқа муддатли истиқболларда зилзила юзага келиш эҳтимолини умумий мезонлар бўйича миқдорий баҳолаш технологияси ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф қилиш тизимини такомиллаштириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ер ости сувларида гелийнинг миқдорий таркиби ўзгаришлари Ер қаърининг зўриқиш-деформацияланиш ҳолатлари билан боғлиқлиги ва унинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга йўллаган мурожатномасида ҳар йили фаннинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

бир неча устувор тармоқларини, жумладан геология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Зилзилаларнинг гидрогеологик даракчиларини қидириш ва гелий изотопларини аниқлаш мақсадида режим кузатувларини ўтказишнинг методологик ва назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий илмий-таълим муассаларида, жумладан: National Environmental Satellite Data and Information Service – NESDIS (АҚШ), Пекин давлат сейсмологик бюросида (ХХР), РФА Геология институтида (Россия), МФА Геология ва геофизика институтида (Молдова), ТФА Сейсмология ва атмосфера физикаси институтида (Туркменистон), Қирғизистон Республикаси МФА Сейсмология институтида (Қирғизистон), Сейсмология институти ҳамда Тошкент давлат техника университетиди (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ер қобиғида мантиядан гелийнинг чиқиши ва унинг кейинги тақсимланишини, шунингдек, метеоритларда, тоғ жинсларида, ер усти ва ер ости сувларида гелий миқдорини баҳолаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва амалий натижалар олинган, жумладан: - тектоник мобил тузилмаларда, вулқон газларидаги характерли иссиқ доғлар – қуйи мантиядан чиқаётган плюмларда мантия гелийининг $1,2 \cdot 10^{-5}$ дан $3,5 \cdot 10^{-5}$ миқдорда намоён бўлиши аниқланган (National Environmental Satellite Data and Information Service – NESDIS); ер ости сувларида зилзилаларнинг гидрогеосейсмологик даракчиларини ўзгаришини ўрганиш учун зилзилаларни имитация қилиш экспериментал базаси яратилган (Пекин давлат сейсмологик бюроси, ХХР); турли хил ер ости флюидларида гелий изотоплари тақсимланишининг умумий ҳолатини аниқлаш, флюидларнинг геохимёвий ўзига хослиги билан унинг боғлиқлигини аниқлаштириш ҳамда континентал рифт бўйлаб ва унга кўндаланг йўналишда $^3\text{He}/^4\text{He}$ ўзгаришлари аниқланган (РФА Геология институти ва РФА СБ Ер қобиғи институти, Россия); Каспий олди сейсмик фаол минтақасидаги зилзилаларни башорат қилиш учун ер ости сувларининг газ (Rn , H_2) таркиби ва гидродинамик параметрларини кузатиш услублари ишлаб чиқилган (ТФА Сейсмология ва атмосфера физикаси институти, Туркменистон); Шимолий Тянь-Шандаги зилзилаларни башорат қилиш учун

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://link.springer.com/article>; <https://docslide.net/documents/1-earthquake-hazard-and-risk-assessment-unisdr-hazard-fnd-risk-assessment-key/html>; <https://dx.doi.org/1042360jer> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

термал сувларда газлар, карбонатлар мувозанати ва микро компонентларни таҳлил қилишнинг такомиллаштирилган услуби ишлаб чиқилган (Қирғизистон Республикаси МФА Сейсмология институти, Бишкек ш.); Молдова Республикаси жанубидаги грунт сувларида гелий тақсимотининг геохимёвий жиҳатлари ишлаб чиқилган (МФА Геология ва геофизика институти, Молдова, Кишинев ш.); ер ости сувларининг режими, газ таркиби ва микрокомпонентларини махсус режим кузатувлари методологияси ишлаб чиқилган (Сейсмология институти, Ўзбекистон); Тошкентолди райони ер ости сувларида гелий таркибини белгилловчи омиллар ишлаб чиқилган (Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон).

Шундай қилиб, дунёда ер ости сувларидаги гелийнинг таркибини ўрганиш соҳасида бир қатор устувор йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: атом электр станциялари, гидротехник иншоотлар ва углеводород сақлаш иншоотларида гелийли сьёмка ёрдамида йўқотишлар мониторингини олиб бориш; ер ости сувлари таркибидаги табиий гелийдан индикатор сифатида фойдаланиб, сувли горизонтларнинг ўзаро таъсир шароитларини аниқлаш; ер қаъридан гелийнинг эркин шаклда ва ер ости сувларида эриган ҳолатда диффузион миграциясини математик моделларини яратиш; сейсмик режимдаги ўзгаришлар сабабли ер ости ва чуқур кўл сувларида эриган гелийнинг таркибий ўзгариши мониторингини олиб бориш; сейсмик фаолликдан олдинги ва сейсмик фаоллик даврида ер ости сувлари газ-химёвий ва изотоп таркибининг ўзгаришларини баҳолаш орқали магнитудаси 5,0 дан юқори бўлган кучли zilзилалар даракчиларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда қаттиқ тоғ жинсларидаги, шунингдек ер ости сувларидаги гелийни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар етакчи илмий марказларда, институтларда ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Жумладан: International Institute of seismology and Earthquake Engineering (Япония), Chines University of Geosciences (Хитой), ЎзРФА Сейсмология институти (Ўзбекистон), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон), РФА Шимолий Карельск сув муаммолари институти илмий маркази (Петрозаводск ш., Россия), РФА Геология институти (Москва ш., Россия), РФА СБ Ер қобиғи институти (Иркутск ш., Россия), МФА Геология ва сейсмология институти (Молдова), РФА геофизика хизматининг Камчатка филиали ва РФА СБ Камчатка Ер қобиғи комплекс илмий тадқиқотлар институти (Петропавловск-Камчатский ш., Россия), Москва Давлат университети (Москва ш., Россия) да гелийни ўрганишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Турли йилларда А.Я. Крылов, Б.А. Мамырин ва бошқалар ҳар хил табиий ҳосилаларда, яъни турли йўллар билан ҳосил бўлган тоғ жинсларида $^3\text{He}/^4\text{He}$ нисбати қонуниятларини аниқладилар. Молдова Фанлар Академиясининг Геология ва сейсмология институтида А.В. Гырля ва К.Е. Морару фаол сув алмашинуви зоналарида (Молдова Республикаси жануби мисолида) гелий тарқалишининг геохимёвий хусусиятларини ўргандилар.

РФА СБ Ер қобиғи институтида Р.М.Семенов, зилзилаларнинг қисқа муддатли даракчилари эҳтимолини аниқлаш мақсадида, сейсмик режимдаги ўзгаришлар туфайли Байкал кўли чуқур сувларида эриган гелийнинг таркибий ўзгариши мониторингини олиб борди. Байкал кўлининг жанубий қисмидаги чуқур сувларда гелий таркибидаги ўзгаришларни кузатиш ишларининг олиб борилиши Бош Саян ёриғи жануби-шарқий қисмининг бу ердан ўтиши, шунингдек Обручев ва Ангарск ёриқларининг кесишуви ҳам шу ерда жойлашганлиги, бу зонада бир неча бор заиф ва жуда кучли зилзилалар содир бўлганлиги билан изоҳланади. РФА Геология институтида (Москва ш.) 2011 йилда Б.Г. Поляк ва б. томонидан Катта Кавказ ороғени худудидаги минерал булоқлар, қатлам сувлари ва лойли вулқонлар газлари ўрганилди. Теберда дарёси водийсининг ғарбий қисмида, шунингдек Эльбрус ва Казбек фаол вулқонлари оралиғида, дарё водийсининг марказий сегментида жойлашган иккита булоқда ҳам гелийнинг изотоп таркиби мантия компоненти аралашмасининг индикатори сифатида ўрганилди.

Атом энергияси халқаро агентлиги изотоплар гидрологияси лабораториясида изотоп таҳлил бўйича мутахассис Такуя Мацумото тритий/гелий-3 таркиби таҳлил услубидан фойдаланиш бўйича қўлланма ишлаб чиқди. Изотопларни саралаш учун у масс-спектрометрдан фойдаланди. Бу концентрацияларни ва тритийни гелий-3 га айлантириш учун кетадиган вақтни билган ҳолда сувнинг ёшини ва унинг тўйиниш даврийлигини кузатиш ва аниқлаш мумкин.

Ер ости сувларидаги эриган газларни, хусусан гелийни кузатишнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, зилзила арафасида кузатув нукталарини муваффақиятли танлаш билан уларнинг таркибидаги сезиларли ўзгаришларни қайд этиш мумкин. Бунинг яққол мисоли, ЎзР ФА Сейсмология институти олимлари томонидан Ўзбекистон ер ости сувларидаги гидрогеокимёвий параметрларнинг ўзгаришини ўрганиш учун олиб борилган мақсадли тадқиқотлар натижасида, 129-сонли илмий кашфиёт кашф қилинган (1966 йил 26-апрелдаги Тошкент зилзиласининг афтершоклари пайтида). Бу кашфиёт зилзилаларни башорат қилиш учун гидрогеокимёвий даракчиларни ўрганиш бўйича кўпчилик мамлакатларда янги йўналиш - Гидрогеосейсмологиянинг ривожланишига сабаб бўлди.

Илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида сўнгги йилларда ЎзР ФА Сейсмология институти ва Тошкент давлат техника университети олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ва унга туташ ҳудудларда махсус маршрут тадқиқотлари ўтказилиб, мавзули ва амалий ишлар олиб борилди. Бундай тадқиқотларга ер ости сувларидаги гелий концентрациясининг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омиллар (К.Н.Абдуллабеков, Г.Ю.Азизов, С.У.Латипов, Ш.С.Юсупов, И.А.Агзамова, Р.С.Зиявутдинов, М.М.Закиров, Л.Ю.Шин ва б.) мавзусидаги бир қанча илмий ишларни киритишимиз мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институтида ҳамда Тошкент давлат

техника университети «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» кафедрасида Ф8-ФА-0-69-962 «Зилзилаларни комплекс башорат қилиш учун Фарбий Тянь-Шань сейсmodинамикасини ўрганиш» (2012-2016), ПЗ-2014-0825091430 «Ўрта ва қисқа муддатли истиқболларда зилзила юзага келиш эҳтимолини умумий мезонлар бўйича миқдорий баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017), «Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги ер ости сувларида гелий миқдорий таркибининг шаклланиш қонуниятларини белгиловчи омиллар» (2018-2019) каби фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон ер ости сувларида гелий таркибий миқдорининг шаклланиш ва ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ва ер ости сувларида гелий изотоплари тақсимланишини асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ер қобиғидаги гелийнинг кўчиши ҳақидаги мавжуд фаразларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда сувли горизонт табиий режими шароитларида гелий миграциясининг назарий моделини ишлаб чиқиш;

турли геологик-тектоник ва гидрогеологик шароитларда гелий концентрациясининг шаклланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;

гелий концентрациясининг турли регионал шароитларини тавсифловчи омилларни аниқлаш;

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги ер ости сувларида гелий изотопларининг тақсимланиш хусусиятларини ўрганиш;

гелиомерик тадқиқотлар натижалари асосида, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида гелий изотоп таркиби қийматлари тарқалишининг схематик харитасини тузиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудларнинг ер ости сувлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети сифатида ер ости сувларида гелий концентрациясининг шаклланишига таъсир этувчи гидрогеологик ва геолого-тектоник омиллар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрогеологик ва гидрогеосейсмологик тадқиқотларда қўлланиладиган, ер ости сувлари газ ва гидрогеокимёвий таркибини дала ва лаборатория шароитида ўрганишнинг анъанавий усулларидадан фойдаланилган. Намуналарда эриган гелий мутлоқ миқдорини ўлчаш учун ИНГЕМ-1 ўлчов асбобидан фойдаланилди. Бундан ташқари, гидрогеосейсмологик тадқиқотлар дала материалларига хроматографик усул ёрдамида қайта ишлов берилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудидаги палеозой, бўр ва палеоген ётқизикларида гелийнинг мутлоқ қиймати ва ҳажмий миқдори концентрациялари юқори бўлган сувли горизонтлар аниқланган;

чуқурлик бўйича гелий концентрациясининг мутлоқ ва ҳажмий қийматининг қонуниятли ўсиши, шунингдек, бўр ва палеоген ёшидаги ётқизикларнинг 1600-1800 м интервалида гелийнинг кескин ошиши, гилли ва

мергелли қатламлар эса гелий тўпланиши учун "тузоқ" вазифасини ўташи аниқланган;

Ўзбекистондаги сеноман сувли горизонти ер ости сувларида гелий миграциясининг принципиал модели ишлаб чиқилган;

илк бор ер ости сувларида гелий концентрациясининг ўзгаришига таъсир этувчи табиий омиллар таснифи ишлаб чиқилган;

горизонтал йўналишда тўйиниш майдонларидан қатламларнинг ер юзасидан чуқурроқ ботган томонига қараб гелий концентрациясининг ошиб бориши аниқланган;

Ўзбекистон ер ости сувларидаги гелий концентрацияси фон қийматининг кузатув сув нуқталари жойлашган майдонлардаги геодинамик жараёнлар фаоллиги билан боғлиқлиги аниқланган;

Марказий Осиёнинг маълум ҳудудларида гелий изотопи қийматлари тарқалишининг схематик харитаси гелий изотопларининг тарқалиши ва тақсимланишига асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

режим кузатувлари тармоқларини жойлаштириш учун асос ҳисобланган, Ўзбекистон ҳудудидаги палеозой, бўр ва палеоген ётқизиқлари сувли горизонтларига мансуб юқори таркибли гелий тарқалиш ҳудудлари аниқланган;

ер қобиғининг геодинамик жараёнларини самарали башоратлаш учун хизмат қилган Ўзбекистон ер ости сувларида гелий аномалиялари намоён бўлишининг илмий-услубий маълумотлар базаси яратилган;

Марказий Осиёнинг маълум ҳудудларида гелий изотопи қийматлари тарқалишининг схематик харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар ер ости сувларида гелий концентрациясининг ўзгаришларини гидрогеологик ва гидрогеосейсмологик махсус кўп йиллик режим кузатувларини олиб боришда тўпланган далилий материаллар билан тасдиқланган. 47 та сув нуқталари бўйича натижалар олинган бўлиб, катта ҳажмдаги далилий материаллардан (сув ва газларнинг 2000 дан ортиқ намуналари) фойдаланилган ва кузатув нуқталари тавсифланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сеноман сувли горизонти ер ости сувларида гелий миграциясининг модели яратилганлиги, ер ости сувларида гелий миқдорий таркибининг ўзгариш қонунияти асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер ости сувларида гелий аномалияларининг шаклланишига таъсир қилувчи асосий омилларни аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар кучли зилзилалар даракчиларини аниқлаш учун башоратлаш–мониторинг тадқиқотларини миқдорий баҳолаш ишонччилигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости сувларида гелий изотоплари тақсимланишини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот-

лар натижалари асосида:

ёриқсимон-томирли, дарзланган сеноман ётқизикларидаги ер ости сувларида тарқалган гелий концентрацияси қийматларининг шаклланиш ва намоён бўлиши “ГИДРОИНГЕО институти” ДК фаолиятига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги 04/02-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистондаги сеноман сувли горизонти ер ости сувларида гелий миграциясининг принципиал модели ишлаб чиқилган;

ер ости сувларида турли табиий ва техноген омиллар таъсирида юзага келган гелий концентрациясининг ва ер қобиғининг геодинамик фаоллиги билан боғлиқ фон қийматлари табиатининг ўзгариши “ГИДРОИНГЕО институти” ДК фаолиятига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги 04/02-сон маълумотномаси). Натижалар ер ости сувларида гелийнинг максимал қийматларига эга бўлган аномалияларини асосли ажратиш имконини берган;

гелий концентрациясининг турли қийматларига эга сувли горизонтлар ва ўзида сув ушловчи тоғ жинсларининг гидрогеологик ва тектоник шароитларини гуруҳлаш асосида ажратилган омиллар “ГИДРОИНГЕО институти” ДК фаолиятига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги 04/02-сон маълумотномаси). Натижалар гидродинамик жараёнлар билан боғлиқ бўлган гелий аномалияларини баҳолаш имконини берган;

зилзила содир бўлиш даврида ер ости сувларининг изотоп ва газ (He , H_2 , CO_2) таркибида юзага келадиган аномалияларни аниқлаш услублари “ГИДРОИНГЕО институти” ДК фаолиятига жорий этилган (Давлат геология қўмитасининг 2020 йил 18 мартдаги 04/02-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон ер ости сувларининг башоратлаш-мониторинг тадқиқотлари илмий-услубий базасини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари ва алоҳида қисмлари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 та Республика ва 2 та хорижий (1 та Scopus тизимида) журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 201 варақдан таркиб топган ва кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Матн қисмида 29 та жадвал ва 26 та расм келтирилган. Адабиётлар рўйхати 153 номдаги адабиётларни ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер қобиғида гелий кўчишининг назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида Ер қобиғидаги нодир газ – гелий бўйича хорижий ва республикамиз тадқиқотчиларининг адабий манбаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш натижалари келтирилган. Шу ўринда, И.Л. Каменский, В.П. Якуцени, Э.К. Герлинг, Б.А. Мамырин, Б.А. Крылов, О.И. Силин, Л.Б. Хабарин, И.Н. Толстихин, В.Л. Зверев, А.Н. Султанходжаев, И.Г. Чернов, А.А. Султанходжаев, Т.И. Исамухамедов, Д.М. Закиров, Ш.С. Юсупов, Л.Ю. Шин, Р.С. Зиявуддинов, М.М. Закиров ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий ишлари гелий геологияси ривожига катта ҳисса қўшганлиги таъкидлаб ўтилган. Ушбу тадқиқотларда Ер қобиғидаги нодир газ – гелийнинг ҳосил бўлиши турлича эканлиги айтиб ўтилган. Унинг бир қисмини Күёш системаси планеталари, жумладан Ер планетасини ҳам ҳосил қилган протопланетар моддалар билан келтирилган бирламчи газлар ташкил қилади. Реал шароитларда атмосферадаги гелий барқарор изотопларнинг табиий аралашмаси бўлиб, унинг асосий ташкил этувчиси масса сони ^4He бўлган атомлар, аралашмалари эса масса сони ^3He бўлган енгил атомлардир. Табиий объектларда барқарор изотопларнинг тарқалиши жуда нотекис. Атмосферадаги гелий таркибида ^3He енгил изотоплари умумий газ миқдорининг атиги $1,9 \cdot 10^{-4}$ қисмини ташкил қилади, метеоритларда эса бу кўрсаткич 10-30 % атрофида бўлади.

Асосий тоғ жинс ҳосил қилувчи минераллардан ажралувчи гелийнинг кўчиш йўллари мураккаб ва кам ўрганилган, шунинг учун гелийнинг ер остки қисмларидаги кўчиш табиати ва йўналишини баҳолаш асосан ер ости сувларидаги гелий концентрациясининг миқдорий таркибига ва бу масала бўйича назарий фикрларга асосланган ҳолда тахминий шаклда берилиши мумкин. Шунинг учун, ернинг остки қисмларидаги гелийнинг асосий ҳаракат шакллари, бошқа ҳар қандай газлар каби, диффузия ва уларнинг эриган ҳолатдаги фильтрацияси ҳисобланади. С.И. Смирнов таърифига кўра диффузия деганда, одатда материянинг ажралмас ва характерли хоссаси ҳисобланган зарраларнинг тартибсиз ҳаракати тушунилади, бунда зарраларнинг ҳаракати эҳтимоллар назариясининг статистик қонунларига бўйсунди. Эркин ёки кучсиз адсорбланган ҳолатда бўлган гелийнинг кўчиш қобилияти шубҳасиздир. Ўта енгил ва унча катта бўлмаган гелий атоми кристаллардаги энг кичик дарзликлари ва капилляр тизимлари орқали кичикроқ градиентларга томон эркин кўчиб ўтади.

Диффузия ҳаракатланувчи муҳитлар – газлар, суюқликлар ва эритмаларда ҳам содир бўлади. Бу ҳолда зарралар фазода иккита бутунлай фарқли механизмлар таъсирида ҳаракатланади: - ҳаракатланаётган муҳитда концентрациялар фарқи бўлса, молекуляр диффузия содир бўлади; - заррачалар ҳаракатланаётган муҳитга қўшилиб кетади ва у билан бирга ташилиб, тарқалиб кетади.

Молекуляр эркин гелий Ернинг тубидан ер юзасига томон кўчиши мобайнида, дастлаб метаморфик, сўнгра чўкинди тоғ жинслари қатламларига киради, суюқликлар ва ер ости сувларида эриб, уларни тўйинтиради ва диффузия ҳамда фильтрация йўллари орқали ер юзасига кўтарилади, ундан кейин атмосферага тарқалиб кетади.

Шуни таъкидлаш керакки, газларнинг, хусусан гелий кўчишининг фаол шакллари диффузияга қараганда кам даражада ўрганилган. Бундай шароитларда гелий сезиларли ҳаракатчанликка эга бўлади ва ташувчи фазалар ёрдамида ўтказувчи тузилмалар орқали сезиларли масофаларга ташилади.

Ҳозирги кунга қадар Ер қобиғида гелий кўчишини миқдорий тавсифловчи ишончли модел мавжуд эмас. Гелийнинг кўчиши ҳақидаги ҳозирги замон ғоялари унинг ташувчи фаза – ер ости сувларида эриган ҳолатда узатилишига асосланган. Ўзбекистоннинг турли геодинамик полигонларида ўтказилган кўплаб тадқиқотларнинг натижалари ер ости сувларида юқори контрастли гелий аномалиялари мавжудлигини аниқлаш имконини берди.

Шуни таъкидлаш керакки, гелий аномалияларининг шаклланиши ёриқ-томирли дарзликлар тарқалган худудлар ер ости сувларида ва қаватланган сувли горизонтлар тарқалган шароитдаги ер ости сувларида бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Кристалл пойдевор ер юзасига чиққан майдонларда ер юзасига яқин гелий аномалияларининг шаклланиши очиқ суюқлик ўтказувчи тизимга эга чуқур ботган узилишлар мавжудлиги билан аниқланади, улар орқали гелийга тўйинган сувларнинг юқорига интилувчи ҳаракатлари ёки оқиб чиқиб кетиш имкони таъминланади. Бунда пойдевор жинсларининг қаттиқ (сув ўтказмайдиган) блоклари гелийнинг минимал (фон) концентрациялари билан характерланади, аномал қийматлар эса чуқур ёриқларнинг ўтказувчан зоналарига тегишли бўлади.

Қалин чўкинди ётқизиқлари қоплами мавжуд бўлган ҳолатларда гелий аномалияларининг шаклланиши муҳитнинг ҳар хиллиги сабабли мураккаблашади. Платформалар артезиан ҳавзалари типигаги структуралар қирқимларида гелий тақсимланишининг принципал сифатли модели қирқимнинг турли сатҳларида ер ости сувлари динамикасининг хусусиятларига ва ер ости сувлари оқимининг шаклланиш қонуниятларига асосланган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин. Платформа типигаги артезиан ҳавза тузилишида суғ ўтказувчан қатламларнинг 4 та қаватини ажратишимиз мумкин. Ҳавзанинг ҳар бир гидрогеологик қаватлар мажмуаси кўшни зоналардан аниқ ажралиб турувчи алоҳида гидродинамик зона ҳосил қилади.

Ўзбекистон худудининг гидрогеологик районлаштирилишига (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи) мувофиқ текислик-платформа худуди йирик артезиан ҳавзаларининг ривожланганлиги билан характерланади. Бу ерда бўр ва юра даври ётқизикларига мансуб босимли сув горизонтлари кенг тарқалган. Ажратилган қаватларга биноан қуйи структурали-гидрогеологик қават палеозой даврининг қоятошли, кучли метаморфлашган ва сезиларли даражада дислокацияланган чўкинди ва магматик тоғ жинсларига мансуб бўлиб, уларда ёриқ, ёриқ-томир ва баъзан ёриқ-карст сувлари тарқалган.

Ўрта структурали-гидрогеологик қават юра, бўр, палеоген ва неогеннинг камроқ дислокацияланган ва кучсиз метаморфлашган сувли комплексларидан ташкил топган. Бўр ётқизиклари сеноман ярусига мансуб сувли горизонт бундан мустасно.

Юқори структурали-гидрогеологик қават фаол сув алмашинуви билан характерланадиган бўшоқ-чақиқ тўртламчи давр ётқизикларининг сувли комплексларидан ташкил топган (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи).

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, айнан юқори гидродинамик зонада чуқурликдан чиқиб келаётган гелий оқимининг қатламли тизимда тарқалиши ва қайта тақсимланиши содир бўлади. Муҳитлар ҳақидаги тасаввурларга асосланиб, бу жараёнлар интенсив сув алмашинуви зонаси қирқимининг юқори қисми дарзланмаган тоғ жинслари билан ифодаланган жойларда жадал кечади деб тахмин қилишимиз мумкин. Интенсив сув алмашинуви зонасида гелийнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш гидрогеологик жиҳатдан етарлича ўрганилган Тошкентолди артезиан ҳавзаси қирқимининг юқори қисми (1-расм) ва Марказий Қизилқум платформа типигадаги ёриқ ва артезиан сув ҳавзалари гуруҳи шароитларида гелий кўчишининг гидрогеологик модели асосида кўриб чиқилган. Гелий кўчишининг модели аниқ шарт-шароитларни ўрганиш материалларига ҳам асосланган.


Ш.С. Юсупов ва М.М. Зокировлар ўтказган тадқиқотлар ва фонд материалларига асосланиб, Тошкентолди ва Амударё артезиан ҳавзаларидаги чуқур қудуқлар маълумотлари асосида тузилган вертикал қирқимларда юқоридан пастга қараб турли гидрогеофизик хусусиятларга эга бўлган гидрогеологик бирликларни ажратган.

Гидрогеологик бирликларни ажратиш икки босқичда амалга оширилган: сеноман сувли горизонти гидродинамикасини тузиш; унда гелий концентрациясининг тақсимланишини ўрганиш.

Сеноман сувли горизонти оқим балансини ўрганиш ва унинг гидродинамик тўрини тузиш учун, бутун горизонт 4 та зонага ажратилган. Бу зоналар чегаралари ер ости сувларининг тўйиниш жойларидан ва чиқиб кетиш зоналаридан (табақаланган рельеф, дарё водийлари қисмлари) ўтади. Тасвирланган алгоритм FORTRAN компьютер дастурида бажарилган. Бажарилган ҳисоб-китоблар асосида гелий концентрацияларининг

изолиниялари тузилди ва профилда сеноман сувли горизонтида гелий оқимининг шаклланиши кўриб чиқилди.

Биринчи зона блокада (тўйиниш майдони) юқори сувли комплексдан



1-расм. Янгийўл-Чотқол сихатгоҳлари йўналишида гелий концентрациясининг ўзгариши.

А-гелийнинг ҳажмий % даги концентрацияси, Б – гелийнинг мл/л даги концентрацияси, В-ҳарорат; 1-скв. Янгийўл, 2-скв. Зангиота, 3-скв. Назарбек, 4-скв. Текстиль, 5-скв. Чинобод, 6-скв. Сув спорти саройи (Тошшаҳарнур), 7-скв. Семашко сихатгоҳи, 8-скв. Сабзавот ва полиз экинлари Институти (СПЭИ), 9-скв. Улуғбек посёлкаси, 10-скв. Озодбош, 11-скв. Чотқол сихатгоҳи.

пастки қисмларга сув филтрацияси устунлиги мавжуд ва бу жойда қатламга гелий қўшилиши содир бўлмайди. Иккинчи блокда (транзит зонасида) пастки қисмдан - палеозой горизонтидан тўйиниш миқдори умумий тўйиниш миқдорининг 0,6 % ни ташкил этади ва бу жойда ҳам қатламга гелий қўшилиши содир бўлмайди. Учинчи блокда пастдан тўйиниш миқдори 8,0 % гача ортади, бу вазиятда қатлам остки қисмларида $4,0 \cdot 10^{-5}$ мл/л гелий таркибли аномалиялар шакллана бошлайди, бу миқдор палеозой горизонтидаги гелий концентрациясининг 0,2-0,4 % ини ташкил этади. Тўртинчи блок сеноман сувли горизонтида гелий концентрациясининг муҳим ўзгаришлари мавжудлиги билан тавсифланади. Яъни, пастдан тўйиниш миқдори умумий тўйинишнинг 90% га етадиган жойларда қатламнинг бутун қалинлиги бўйлаб гелий миқдори $2,0 \cdot 10^{-3}$ дан $2,2 \cdot 10^{-2}$ мл/л гача бўлган аномалиялар шаклланади.

Умуман, чуқур ер ости сувларининг минтақавий оқим жойларида гелий аномалияларининг мавжудлиги ва концентрацияларининг ўзгариши, нисбатан қисқа (3-5 км) масофаларда гелий концентрациясининг кескин (бир бўғин ва ундан кўп) ўзгаришида ҳар бир блокнинг сув баланси элементлари билан аниқланади. Олинган натижалар, ер ости сувлари динамикасининг

гелий аномалияларининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Ер ости сувларида гелийни тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ер ости сувларида гелийни ўлчаш усуллари кўриб чиқилган бўлиб, унда бу усулларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилган. Ер ости сувларида гелийни аниқлашда асосан иккита усулнинг афзаллиги алоҳида таъкидлаб ўтилган:

1. «диффузия оқими» усули – гелий Фикнинг биринчи қонунига асосан ғовак кварц мембранаси ёрдамида вакуумланган шиша идишга парциал диффузион оқимни ажратиш йўли билан шакллантирилади;

2. гелий съёмкаси усули – ер ости сувларида гелийнинг абсолют таркибини аниқлаш учун ўтказилади.

Тадқиқотларда ер ости сувларидаги газларнинг абсолют ва ҳажмий таркибини аниқлаш учун ИНГЕМ-1 ўлчов асбоби ва хроматографдан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар артезиан ҳавзаларида гелий тақсимланишининг гидрогеологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида кўп йиллик гидрогеологик тадқиқотларнинг илмий-амалий натижалари келтирилган. Фонд материаллари ва шахсий тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида гелийлиликнинг шаклланиши бўйича регионал тадқиқотларни олиб бориш учун ўрганилаётган ҳудудлар иқлим омилларини, ер усти ва ер ости сувларининг гидрогеологик шароитларини, рельефнинг мураккаблик характерини ҳисобга олиш зарурлиги аниқланди. Таҳлил ва умумлашмалар натижасида ҳудудий белгилар бўйича гелийлиликнинг батафсил геологик-гидрокимёвий тавсифи баён этилди.

Тошкентолди артезиан ҳавзасида иқлим, геологик тузилиш ва тектоника нуқтаи назаридан ер ости сувларининг тўйинишига таъсир этувчи гидрогеологик омиллар аниқланган. Мезозой ва Кайнозой ёшидаги ётқизиклар қатламлараро ва ер ости сувлари горизонтларини ўз ичига олади. Қатламлараро сувлар гил ва алевролит қатламлари орасидаги қумлар, қумтошлар, гравелитлар ва конгломератларда жойлашган, грунт сувлари эса асосан галечникларда, супесларда ва суглинокларда (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи) ҳаракатланади.

Ушбу ҳавзадаги ер ости сувларининг турли литологик фарқларга, даврлар свиталарига, чўкиндилар генезисига ва сувли тоғ жинсларининг ётиш шароитларига мансублигига мувофиқ, сувли комплекслар ва горизонтларнинг гелийлиги бўйича гидрогеологик тавсифи келтирилган.

Фарғона тоғлараро артезиан ҳавзасида водий рельефи тузилишининг зоналик хусусиятлари қайд этилган бўлиб, баланд тоғлар зонаси, тоғ этаклари ва марказий текислик зонаси (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи) характерли хусусиятлари ҳисобланади.

Ушбу ҳавза ер ости сувларининг кимёвий таркиби, шунингдек, гелийлилик нуқтаи назаридан тадқиқот объектларининг газ-кимёвий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Жанубий-ғарбий Ўзбекистон минтақаси бўйича тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида қуйи бўр ва палеозой ётқизикларидаги ер ости сувларининг газ-кимёвий хусусиятлари ёритилган. Минтақанинг марказий ва периферик қисмларида босимли ер ости сувлари (100 м дан ортиқ чуқурликда) тарқалган. Тўртламчи давр ётқизиклари юқори қисмида грунт сувлари, қуйи қисмида эса босимли сувлар (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи) тарқалган ягона сувли комплекси ҳосил қилади. Шу сабабли бу ётқизикларда гелий тўпланиш имконияти мавжуд эмас, ва аксинча, бутун тўртламчи давр ётқизиклари сувли комплекси бўйлаб Шўрчидаги қудуқларда қайд этилган аҳамиятсиз микдорий таркибда тақсимланади.

Жанубий Тянь-Шань ва Помир ер ости сувларининг асосий хусусияти ғарбдан Ҳиндикуш, жанубдан Ҳимолай ва Қорақурум, шарқдан Кунлун, шимолдан Жанубий Тянь-Шань билан чегараланган тоғ тизмасини ҳосил қилувчи кучли орографик омилнинг мавжудлигидир (Р.С. Зияутдинов, 2011). Жанубий Тянь-Шань ва Помирнинг танланган сув нуқталари ва чуқур ёриқлари газ-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижаларига кўра гелий концентрацияси таркибининг ўзгариши геологик-тектоник шароитларга боғлиқ ва бу гелий оқимининг энергетик потенциалини аниқлаш имконини беради. Тектоник шароит эса гелийнинг фильтрация йўлини аниқлашга имкон яратади ва турли структуравий-литологик бузилишлар (ёриқлар ва ер қобиғининг заифлашган зоналари) орқали унинг кўчиши содир бўлади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар артезиан хавзалари ер ости сувларида гелийнинг шаклланиш ва тарқалиш қонуниятлари**» деб номланган тўртинчи бобида гелийнинг ер ости сувларида фазовий тарқалиши ҳақида сўз боради.

Гелийнинг фазовий тақсимотини ўрганишнинг дастлабки тадқиқотларини В.П. Якуцени, И.Н. Яницкий ва В.И. Башорин каби олимлар бошлаб берганлар, кейинчалик Ю.Б. Силантьев, И.Г. Киссин, Б.Р. Кусов, Р.М. Семенов, О.П. Смекалин ва кўплаб бошқа олимлар давом эттирганлар. Бу тадқиқотларнинг натижалари сифатида геологик изланишларнинг алоҳида бўлими - «гелийли съёмка» ажралиб чиқди. Ушбу съёмка ёрдамида углеводород ётқизиклари, тектоник ёриқ зоналари аниқланади, атом электр станциялари ва гидротехник иншоотлар учун мониторинг кузатувлари олиб борилади.

Тектоник фаоллашиш билан боғлиқ гелий кўчишининг пульсацион табиати Марказий Осиёда зилзилаларнинг гидрогеосейсмологик даракчиларини аниқлаш учун махсус режим кузатувлари орқали гелий концентрацияларини ўрганишга ёрдам берди.

Зилзилани башорат қилиш муаммоси бўйича тадқиқот методологиясини ишлаб чиқиш ривожига ўзбек олимлари катта ҳисса қўшдилар. Сўнги 50 йил мобайнида ЎзРФА Г.А.Мавлянов номидаги Сейсмология институти ходимлари (А.Н. Султанходжаев, И.Г. Чернов, Ш.С. Юсупов, Ф.Г. Зиган, С.У. Латипов, Г.Ю. Азизов, Д.М. Закиров, Т.З. Закиров, Р.С. Зиявуддинов ва

б.) томонидан зилзила даракчиларини қидириш ва уларни башорат қилиш бўйича кўплаб илмий ишлар, ихтиролар ва илмий кашфиёт эълон қилинган.

Зилзилаларнинг гидрогеосейсмологик даракчиларини аниқлаш ва холисона баҳолашдаги қийинчиликлар ер ости сувларининг газ-кимёвий режимини кам ўрганилганлиги ҳамда ер ости сувларининг газ ва изотоп таркибига зилзила содир бўлиши қайишқоқ деформация жараёнларининг таъсирини етарли даражада тушунмаслик билан боғлиқ. Умуман, гидрогеосейсмологик даракчиларни аниқлаш учун ер ости сувларининг сейсмик фаоллик билан боғлиқ бўлмаган газ таркибидаги, айнан гелий билан боғлиқ вариацияларни истисно қилиш керак. Амалда ер ости сувларидаги гелий концентрациясининг фон ўзгаришлари интервалларидан ташқарига чиқувчи аномалияларни аниқлаш ҳамда уларни сейсмик фаоллик билан таққослаш лозим. Бироқ, бу зилзила тайёргарлик даврида юзага келадиган кучсиз аномалиялардан башоратлаш мақсадларида фойдаланишга имкон бермайди. Кучли аномалияларнинг номаълум табиати сейсмик фаоллик билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли газ кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг генетик хусусиятларини ўрганиш мумкин. Шунинг учун, шубҳасиз, ушбу режимга таъсир қилувчи газ режими ва барча омилларни янада мураккаб ва чуқур таҳлил қилиш талаб қилинади. Тадқиқот ишида сейсмик фаолликка боғлиқ бўлмаган асосий табиий ва сунъий омилларнинг турли сув алмашув шароитига эга бўлган майдонлардаги ер ости сувларининг газ режимига таъсирини кўриб чиқилган.

Гелий концентрацияси таркибини аниқлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: қудуқлардан намуна олиш; лаборатория ва дала шароитида эриган газдаги, сувдаги гелий таркибини ўлчаш ҳамда олинган маълумотларни геологик-тектоник шароитлар билан таққослаш.

Ер ости сувлари гелий концентрациясининг вариацияларни кўриб чиқиш асносида, ердаги суткалик, мавсумий ва узоқ вақт давом этадиган даврий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган вариация аниқланмади. Биз зилзила содир бўлиш эҳтимоли анча юқори бўлган Марказий Осиёнинг сейсмик фаол ҳудудларидан бири – Тошкентолди артезиан ҳавзаси ер ости сувларининг изотоп ва газ таркиби вариациялари табиатини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик.

Гелий, карбонат ангидрид ва водород режим кузатувлари остидаги асосий газ компонентларидан бири ҳисобланади. Бу биринчи навбатда уларнинг ер қаъридан юқори миграция қобилияти ва атроф - муҳит билан реакцияланиш хусусиятига боғлиқ бўлиб, бу уларнинг вариацияларидан зилзилаларни ўрта ва қисқа муддатли даракчилари сифатида фойдаланиш имконини беради. Бу ҳолат газ кўрсаткичлари концентрацияларининг вақт давомида вариацияларини ўрганиш, шунингдек ер ости сувларининг барқарор изотоплари ($^{13}\text{C}/^{12}\text{C}$, $^{36}\text{Ar}/^{40}\text{Ar}$, сувнинг D/H, $\delta^{18}\text{O}$ ва б.) вариацияларини кузатишда бугунги кунга қадар тўпланган тажрибалар билан тасдиқланади.

Зилзила содир бўлиш жараёнларининг ер ости сувлари газ ва изотоп таркибига таъсирини бир қанча усуллар мажмуасини қўллаган ҳолда ҳал

килиш мумкин. Шубҳасиз, «газ-сув-тоғ жинси» тизимида юзага келадиган ҳодисаларни тушунишга алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки зилзила содир бўлиш вақти ва тоғ жинсларидан кимёвий компонентларни ажралиб, ғовакликлар эритмасига қўшилиш тезлиги ўртасидаги нисбат охир-оқибатда гидрогеокимёвий аномалияни белгилайди.

Режим кузатув тадқиқотлари натижаларига асосан ер ости сувларининг газ таркиби (CO_2 , He , H_2) қийматлари, сувнинг (D/H , $\delta^{18}\text{O}$) ва унда эриган CO_2 нинг $\delta^{13}\text{C}$ изотоп таркиби қийматлари аниқланди. Эпицентри Назарбекда жойлашган жуда кучли зилзила содир бўлиш даврида ундан 25 км узоқликдаги кузатув сув нуқтаси ер ости сувларида зилзила содир бўлиши билан боғлиқ газ-кимёвий ва изотопик аномалиялар кузатилди.

Бевосита тадқиқотлар майдонида содир бўлган, $M=5,3$ ли Назарбек (11.12.1980) зилзиласи арафасида барча геокимёвий ва изотоп кўрсаткичларнинг кескин ўзгариши кузатилган. Таъкидлаш жоизки, Назарбек зилзиласи пайтида He ва CO_2 концентрациялари аномалиялари билан бир қаторда, уларнинг изотоп таркибида ҳам ўзгаришлар кузатилган. Бунда, агар CO_2 концентрацияси учун аномалия икки юқори нуқта сифатида намоён бўлса, $\delta^{13}\text{C}$ қиймати учун битта юқори нуқта намоён бўлган ва бу нуқта вақт бўйича CO_2 нинг иккинчи юқори нуқтаси намоён бўлиш вақтига мос келган. Муаллифларнинг (И.Г. Чернов, Ш.С. Юсупов, М.М. Закиров, 2016, 2019) фикрича, карбонат ангидрид газ и умумий таркибининг биринчи юқори нуқтаси зилзила содир бўлишининг дастлабки жараёнларига боғлиқ бўлиши мумкин. Бу даврда $\delta^{13}\text{C}$ қийматларининг тебранишлари унча катта эмас. $\delta^{13}\text{C}$ максимал қийматлари билан боғлиқ CO_2 нинг иккинчи юқори нуқтаси, карбонат тоғ жинсларидан оғирроқ ^{13}C изотопли карбонат кислотасининг ($\delta^{13}\text{C} = - 4,9 \div +5,6 \text{ ‰}$) сувга қўшилишини енгиллаштирувчи қайишқоқ тўлқинлар генерацияси сабабли юзага келадиган зўриқишлар ҳамда уларга тегишли тоғ жинсларининг деформацияларини янада жадал ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Литологик қирқимни ер ости сувларидаги гелий концентрацияси билан майдон ва чуқурлик бўйича солиштириш борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқот майдонида гелийнинг микдорий ва ҳажмий таркиби 0,022 дан 1,12 мл/л гача ва 0,014 дан 1,6 ҳажмий % гача ораликда ўзгаради. Гелийнинг юқори микдори (1,12 мл/л гача ва 1,6 ҳажмий % гача), бир томондан, қалин чўкинди қопламанинг, хусусан, палеоген ва палеоген-неоген ёшидаги гилли ва мергилли ётқизикларнинг кучли тўсиқлилиқ қобиляти билан, бошқа томондан, сув нуқталарининг тектоник ёриқлар ва заифлашган зоналар, яъни парчаланиш зоналарига тааллуқлилиги билан изоҳланади. Угам дарёси водийсидаги «Тесқари булоқ», «Хумсон», Чимгансойдаги 36-скважина, Чирчиқ дарёси юқори қисмидаги «Хўжакент булоқ» ер ости сувларида гелийнинг паст концентрациялари аниқланган. Бу ҳолат санаб ўтилган манбаларнинг сув чиқиб кетиш жойларига тўғри келиши, рельефнинг кучли табақаланиши, майдон бўйича қуйи горизонт ер ости сувларининг ер усти сувлари билан

филтрацион тўйинишининг жадаллиги, булоқларнинг кўплиги билан тушунтирилади.

Геологик-тектоник шароитларга кўра, ўрганилган полигонларда чуқур ёриқлар давомийлиги кўп ҳолларда гелийнинг юқори концентрациялари аниқланган юра ва юқори девон ётқизиқларида тугайди. Уларнинг энг жадал ривожланганлари Улуғбек (1,8 ҳажмий %) ва Ҳавотаг хавзаси (6-скв. 1,6 ҳажмий %; 8-скв. 1,12 ҳажмий %) майдонларида жойлашган. Тошкентолди артезиан хавзаси ер ости сувларидаги гелий концентрациясининг максимал қиймати Каржантау кўтарилмаси ва Чирчиқ-Мирзачўл синклинал зонаси оралиғида жойлашган узилиш деформацияларига, шунингдек хавзанинг чеккасида жойлашган Ҳавотаг структурасига тааллуқли (СССР гидрогеологияси, Ўзбекистон ССР XXXIX томи). Ҳавзанинг бу қисмидаги палеозой асосида бир қатор ёриқлар мавжуд. Бу ёриқлар чуқур палеозой сувларининг чўкинди қатламлардан эркин филтрацияланишига шароит яратади, шунинг учун бу ерда аниқланган гелий аномалиялари чуқур ёриқларнинг гелий концентрациясининг ортишига давомий таъсирини кўрсатади.

Сув алмашув қийинлашган зоналарда гелий концентрациясидаги энг юқори қийматлар (0,13-0,3 ҳажмий %, 0,0023-0,0061 мл/л, ҳарорати 55⁰С дан 69⁰С гача) Зангиота, Аҳмад Яссавий, Янгийўл, Қибрай, Ботаника ва Тошшаҳарнур сув манбаларининг ер ости сувларида қайд этилган. Ҳароратнинг ва гелий концентрацияси қийматларининг нисбатан кичик фарқи ер қаърида кўшимча оқим мавжудлиги ёки ер қобиғининг юқори ўтказувчанлигидан далолат беради. Янгийўл ва Зангиота сув нуқталарида гелийнинг 1570-2000 метр чуқурликлардаги концентрацияси Назарбек ва сабзавот ва полиз экинлари институти (СПЭИ) сув манбаларининг шу чуқурликлардаги концентрациясига нисбатан анча юқори.

Чуқурлик бўйича гелий концентрациясининг ҳажмий фоизда ва абсолют таркибда қонуниятли ортиб боради, 1600-1800 метр чуқурлик интервалларида эса гелий концентрациясининг кескин ортиши кузатилади. Бунинг сабаби, қирқимда палеоген ва палеоген-неоген чўкиндилари гилли ва мергелли ётқизиқларининг қалин сув ўтказмас қатлами мавжуд, бу қатлам табиий тўсиқ вазифасини бажариб, ер ости сувларининг алмашинувини ва гелийнинг ер юзаси томон кўчишини қийинлаштиради.

Юқоридагиларга асосланиб, жойнинг сувли комплекслари ва ўзида сув ушлаб турувчи тоғ жинслари геологик-литологик ва тектоник шароитларидан келиб чиққан ҳолда, кўриб чиқиладиган ҳар бир сув нуқтаси учун ер ости сувларида гелийнинг концентрациясини белгиловчи қуйидаги омиллар ажратилди:

А-омил – α -алфа нурланиш манбаларининг (гранитлар ва интрузив массивлар) яқинлиги ва барқарор палеозой тоғ жинсларининг мавжудлиги. Фарғона депрессияси, Жанубий Тянь-Шань ва Помир баланд-тоғ қисмларидаги ҳамда 1800 м чуқурликдаги Ҳавотаг тузилмасининг парчаланган юқори қисми тоғ жинсларини ўз ичига олади. Умуман, минтақанинг палеозой ётқизиқлари юқори геотермал ва неотектоник

режимга эгаллиги билан тавсифланади ва унда кўп сонли узилишлар ажралиб туради. Ушбу омилга Ҳавотаг посёлкасидаги сув манбалари, Жанубий Тянь-Шань, Помир баланд тоғ булоқлари ва Арашанбулоқ киритилган.

Ҳавотаг скважиналарининг ер ости сувлари Тошкентолди артезиан ҳавзасининг жанубий қисмида, шу номдаги тузилмада жойлашган. 1800-2100 метр чуқурликда палеозой ётқизиқларида очилган, дарзланган-карст ёриқларидаги босимли, термал сувлар (46-52⁰С) ҳисобланади. Ер ости сувларида гелийнинг концентрацияси 1,1-1,6 ҳажмий %, 0,016-0,022 мл/л оралиғида ўзгаради.

